



UZBEKISTAN–EGYPT RELATIONS: HISTORICAL HERITAGE AND MODERN STAGES OF STRATEGIC PARTNERSHIP

Eldor Akhmedov

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: Republic of Uzbekistan, Arab Republic of Egypt, bilateral relations, strategic partnership, trade and economic cooperation, cultural and humanitarian integration, religious and educational ties.

Received: 15.02.26

Accepted: 16.02.26

Published: 17.02.26

Abstract: This scholarly article analyzes the formation and evolution of bilateral relations between the Republic of Uzbekistan and the Arab Republic of Egypt on the basis of a comprehensive and systematic approach. The study examines the stages of development of political-diplomatic ties, trade and economic cooperation, socio-cultural integration, and religious-educational relations in accordance with the principles of historicity and consistency. The article considers the historical roots of mutual relations—particularly scientific and educational contacts and traditions of cooperation within the framework of Islamic civilization—in harmony with the modern concept of strategic partnership. It also analyzes, based on factual data and official sources, the institutionalization of diplomatic relations in the post-independence period, the formation of intergovernmental mechanisms, and the specific features of cooperation within international organizations. According to the research findings, Uzbekistan–Egypt cooperation is emerging as an important factor in strengthening interregional ties within the geopolitical space of the Middle East and Central Asia, deepening economic integration, and promoting cultural-civilizational dialogue. The article scientifically summarizes the promising areas of bilateral relations, including the strategic importance of cooperation in trade and investment, education, cultural, and religious-educational spheres.

ЎЗБЕКИСТОН – МИСР МУНОСАБАТЛАРИ: ТАРИХИЙ МЕРОС ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Элдор Ахмедов

Тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, Миср Араб Республикаси, икки томонлама муносабатлар, стратегик шериклик, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар интеграция, диний-маърифий алоқалар.

Аннотация: Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳамда Миср Араб Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг шаклланиши ва эволюцияси комплекс ҳамда тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда сиёсий-дипломатик алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ижтимоий-маданий интеграция ва диний-маърифий муносабатларнинг ривожланиш босқичлари тарихийлик ва изчиллик тамойиллари асосида ёритилади. Мақолада ўзаро муносабатларнинг тарихий илдизлари, хусусан, илмий-маърифий алоқалар ва ислом цивилизацияси доирасидаги ҳамкорлик анъаналари замонавий стратегик шериклик концепцияси билан уйғун ҳолда кўриб чиқилади. Мустақилликдан кейинги даврда дипломатик муносабатларнинг институционаллашуви, ҳукуматлараро механизмларнинг шаклланиши ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари фактик маълумотлар ва расмий манбалар асосида таҳлил этилади. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон - Миср ҳамкорлиги Яқин Шарқ ва Марказий Осиё геосиёсий маконида минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳамда маданий-цивилизацион мулоқотни ривожлантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Мақолада икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, савдо-инвестиция, таълим, маданий ва диний-маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг стратегик аҳамияти илмий асосда умумлаштирилади.

УЗБЕКСКО-ЕГИПЕТСКИЕ ОТНОШЕНИЯ: ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ И СОВРЕМЕННЫЕ ЭТАПЫ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЁРСТВА

Элдор Ахмедов

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Республика Узбекистан, Арабская Республика Египет, двусторонние отношения, стратегическое партнёрство, торгово-экономическое сотрудничество, культурно-гуманитарная интеграция, религиозно-просветительские связи.

Аннотация: В данной научной статье на основе комплексного и системного подхода анализируются формирование и эволюция двусторонних отношений между Республикой Узбекистан и Арабской Республикой Египет. В исследовании в соответствии с принципами историчности и последовательности раскрываются этапы развития политико-дипломатических связей, торгово-экономического сотрудничества, социально-культурной интеграции и религиозно-просветительских отношений. В статье рассматриваются исторические корни взаимных отношений, в частности научно-просветительские контакты и традиции сотрудничества в рамках исламской цивилизации, в сочетании с современной концепцией стратегического партнёрства. Также на основе фактических данных и официальных источников анализируются институционализация дипломатических отношений в период после обретения независимости, формирование межправительственных механизмов и особенности сотрудничества в рамках международных организаций. Согласно результатам исследования, сотрудничество Узбекистана и Египта выступает важным фактором укрепления межрегиональных связей в геополитическом пространстве Ближнего Востока и Центральной Азии, углубления экономической интеграции и развития культурно-цивилизационного диалога. В статье научно обобщаются перспективные направления двусторонних отношений, включая стратегическое значение сотрудничества в торгово-инвестиционной, образовательной, культурной и религиозно-просветительской сферах.

Кириш. Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихий, маданий ва илмий алоқаларга таянади. Миср араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 1991

йил 26 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлат сифатида алоҳида ўрин тутди. Дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 январда ўрнатилган бўлиб, 1993 йилда Тошкентда Миср элчихонаси, 1994 йилда эса Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги элчихонаси фаолият бошлаган.

Бугунги кунда икки давлат муносабатлари “ҳар томонлама стратегик шериклик” босқичига кўтарилган бўлиб, сиёсий мулоқотдан тортиб иқтисодиёт, таълим, маданий-гуманитар ва диний-маърифий соҳаларгача кенг қамровли ҳамкорликни ўз ичига олади.

Адабиёт ва методлар. Тадқиқот Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги сиёсий ҳамда маданий-гуманитар муносабатларни ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқотда расмий ҳамда архив ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари, дипломатик битимлар ва илмий адабиётлар кенг таҳлил қилинган. Тадқиқотда тарихий, қиёсий, хронологик ва тизимли методлардан фойдаланилган.

Муҳокама ва натижалар. Мовароуннаҳр ва Миср ўртасидаги савдо-маданий алоқалар қадимги даврларга бориб тақалади. Буюк ипак йўли орқали иқтисодий ва маданий алмашинув жараёнлари шаклланди. Бу тарихий асос замонавий дипломатик муносабатларнинг маънавий пойдеворини ташкил этади. Илк ўрта асрларда буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний Мисрда яшаб ижод қилган бўлиб, Қоҳира шаҳридаги Нил дарёси сув сатҳини ўлчайдиган “Миқёс ан-Нил” иншоотини бунёд этган. Ушбу иншоот бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Қоҳирада аллома шарафига ҳайкал ўрнатилгани икки халқ ўртасидаги тарихий дўстлик рамзи сифатида эътироф этилади.

Сиёсий алоқалар. 1992 йилда Миср ва Ўзбекистон расмий дипломатик алоқалари ўрнатилганидан сўнг, 1990 йиллар давомида икки томон бир қатор ҳужжатлар имзолади, уларнинг мақсади сиёсий ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш эди. Мисрнинг Ўзбекистон мустақиллигини тан олиши минтақавий сиёсатдаги муҳим дипломатик қадамлардан бири бўлди.

Сўнгги йилларда муносабатларнинг стратегик аҳамияти сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий соҳаларда намоён бўлади. Сиёсий ҳамкорликнинг яққол намоёнлиги сифатида президентлар Шавкат Мирзиёев ва Абдулфаттоҳ ас-Сисининг учрашувлари, шунингдек, халқаро тадбирларда эришилган келишувлар, икки давлатни “ҳар томонлама стратегик шериклик” даражасига олиб чиқмоқда. Бу жараёнлар сиёсий мулоқот, хавфсизлик, савдо-иқтисодий, таълим, илм-фан, маданият ва диний-маърифий соҳаларда янги лойиҳаларнинг амалга оширилишига замин яратмоқда. Хусусан, 2018 йил

4-5 сентабрда Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларнинг янги босқичга олиб чиқди . Бу ташриф икки давлат стратегик шериклигини мустаҳкаблаб, сиёсий мулоқотни кучайтирди.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги сиёсий мулоқотлар янги сифат босқичига кўтарилди. 2022 йил февралда икки давлат раҳбарлари Пекинда ўтказилган қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими доирасида ҳам учрашиб, музокаралар олиб бордилар . Ушбу олий даражадаги тадбирлар якунида эришилган келишувлар сиёсий, хавфсизлик, савдо-иқтисодий, маданий, илм-фан каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга мустаҳкам замин яратди.

2023 йилнинг февраль ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикасининг раҳбари Абдулфаттоҳ ас-Сисининг таклифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифни амалга оширди. Музокаралар чоғида томонлар

Ўзбекистон - Миср ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очилиб, томонлар муносабатларни “ҳар томонлама стратегик шериклик” даражасига кўтариш тўғрисида келишиб олдилар. Бу учрашув натижасида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар, таълим, фан, маданият ва дин соҳаларида янги лойиҳалар амалга оширилди.

Натижада, 2022-2023 йиллардаги сиёсий мулоқотлар икки мамлакат ўртасида нафақат расмий ташрифлар, балки стратегик режалаштирилган, барқарор ва тизимли сиёсий шерикликнинг муҳим кўрсаткичига айланди. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Миср Араб Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маъданий-гуманитар ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг энг барқарор ва истикболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг, таълим ва илмий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ҳукуматлараро битимлар ҳамда университетлараро меморандумлар имзоланди . Мазкур ҳужжатлар академик алмашинув, қўшма илмий тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлаш жараёнини институционал асосда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Мисрнинг етакчи олий таълим муассасалари, хусусан, Ал-Азҳар университети ҳамда Қоҳира университети билан Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган . Ушбу ҳамкорлик араб тили ва адабиёти,

исломшунослик, манбашунослик, тарих, иқтисодиёт, фармакология, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа илмий йўналишларни қамраб олади. Академик алмашинув дастурлари доирасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда араб тилини ўқитиш тизими ҳам сўнгги йилларда сезиларли даражада ривожланди. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институтида араб тили мутахассислиги бўйича минглаб талабалар таҳсил олмақда. Бу жараён икки мамлакат ўртасидаги лингвистик, маданий ва илмий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2023-2024 йилларда икки давлат Олий таълим вазирликлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик дастурлари доирасида Миср профессор-ўқитувчиларини Ўзбекистон олий таълим муассасаларига жалб этиш, қўшма илмий марказлар ташкил этиш ва қўшма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Бу эса илмий салоҳиятни ошириш, халқаро рейтингларда рақобатбардошликни кучайтириш ҳамда минтақалараро илмий интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Маданий ҳамкорлик ҳам мазкур жараённинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон ва Миср ўртасида тарихий-маданий мерос, ислом цивилизацияси ва Шарқ уйғониш даври алломалари меросини ўрганиш йўналишида илмий конференциялар ва маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, буюк мутафаккир Аҳмад ал-Фарғонийнинг Қоҳирадаги илмий фаолияти икки халқни боғловчи тарихий кўприк сифатида талқин қилинади.

Бошқача қилиб айтганда, таълим, маданий-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон - Миср муносабатларининг узоқ муддатли ва барқарор йўналишларидан бири бўлиб, у нафақат кадрлар тайёрлаш, балки маданий дипломатия ва цивилизациялараро мулоқотни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодий алоқалар ва савдо-инвестиция ҳамкорлиги. Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик 1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб босқичма-босқич шакллана бошлади. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро келишув имзоланди. Дастлабки босқичда ўзаро савдо ҳажми нисбатан паст бўлган бўлса-да, 2000 йилларга келиб иқтисодий алоқаларни институционал асосда ривожлантириш механизмлари шаклланди.

Иқтисодий ҳамкорликни тизимли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон - Миср ҳукуматлараро қўшма комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур комиссия доирасида савдо, инвестиция, саноат кооперацияси, транспорт-логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва туризм йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари мунтазам муҳокама қилиниб келинмоқда .

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасини сезиларли даражада ошириш бўйича аниқ мақсадлар белгиланди. Хусусан, 2024 йил декабрь ойида Қоҳирада бўлиб ўтган Ўзбекистон - Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг 7-сессиясида ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси илгари сурилди . Сессия якунида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инновациялар, транспорт ва логистика, маданий меросни асраш ҳамда таълим соҳаларида бир қатор ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди .

Савдо таркибида Ўзбекистон томонидан асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари экспорт қилинмоқда, Миср томонидан эса фармацевтика, нефт-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда озиқ-овқат саноати маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Энергетика ва саноат кооперацияси ҳам истиқболли йўналишлардан биридир. Мисрнинг энергетика соҳасидаги тажрибаси ва инфратузилма лойиҳаларидаги салоҳияти Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, транспорт-логистика йўналишида Қизил денгиз портлари орқали савдо йўлларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинмоқда .

Инвестиция ҳамкорлиги ҳам янги босқичга чиқиб, икки томон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда эркин иқтисодий зоналарда ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини илгари сурмоқда. Бу жараён икки давлат ўртасидаги иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлаб, савдо-инвестиция оқимларининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон - Миср иқтисодий алоқалари замонавий босқичда тизимли ва стратегик характер касб этмоқда. Савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш икки давлат ўртасидаги узоқ муддатли иқтисодий шерикликнинг асосий устувор йўналишлари сифатида намоён бўлмоқда.

Халқаро ҳамжамият доирасида ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама алоқалар билан чекланиб қолмай, халқаро ташкилотлар доирасида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, томонлар

БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Африка тараққиёт банки каби нуфузли тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳамкорлик сиёсатини олиб бормоқда.

БМТ майдонида Ўзбекистон ва Миср халқаро хавфсизлик, барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши, терроризмга қарши кураш ҳамда диний бағрикенглик масалаларида яқин позицияни эгаллайди. Хусусан, 2018 йил 22 июнда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси Ўзбекистон ташаббуси асосида илгари сурилган бўлиб, Миср ушбу ҳужжатни қўллаб-қувватлаган. Мазкур резолюция Марказий Осиёни барқарор ривожланиш ҳудуди сифатида эътироф этиш ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам икки давлат экстремизм ва радикализмга қарши кураш, ислом цивилизацияси меросини асраш ҳамда маърифий ислом ғояларини тарғиб этиш масалаларида ҳамфикр эканини намоён этмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” ташаббуслари Миср томонидан ижобий қабул қилинган.

Африка қитъасида етакчи иқтисодий институтлардан бири ҳисобланган Африка тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Миср ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш ҳамда инвестиция алмашинувини рағбатлантириш имкониятлари муҳокама қилинмоқда.

Минтақавий хавфсизлик масалаларида ҳам томонлар ўзаро мувофиқлаштирилган сиёсат юритмоқда. Терроризм, трансмиллий жиноятчилик ва ноқонуний миграция каби таҳдидларга қарши курашиш борасида БМТ ва бошқа халқаро платформаларда умумий ёндашув қўлланилмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Мисрнинг халқаро ташкилотлардаги ҳамкорлиги нафақат икки томонлама манфаатларни, балки кенгрок минтақавий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Аслида, халқаро ҳамжамият доирасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон - Миср муносабатларининг стратегик даражасини мустаҳкамлаб, глобал сиёсий жараёнларда ўзаро қўллаб-қувватлаш механизминини шакллантирмоқда. Бу эса икки давлатнинг узок муддатли ташқи сиёсий устуворликларини уйғунлаштириш ҳамда халқаро майдонда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишига хизмат қилмоқда.

Хулоса. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон - Миср муносабатлари тарихий илдишларга эга бўлиб, бугунги кунда стратегик шерикликнинг янги босқичига кўтарилган.

Сиёсий ишонч, иқтисодий манфаатдорлик, инвестицион ҳамкорлик, таълим ва илм-фан алмашинуви, диний-маърифий мулоқот ҳамда туризм соҳасидаги ривожланиш икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг барқарор ва истиқболли эканини тасдиқлайди.

Мазкур ҳамкорлик нафақат икки давлат манфаатларига, балки Марказий Осиё ва Яқин Шарқ минтақаларида барқарорлик, маданиятлараро мулоқот ва тараққиёт жараёнларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилиқ ва узоқ муддатли стратегик манфаатлар уйғунлигига асосланган ҳолда изчил ривожланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 460 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Миср Араб Республикасида Ўзбекистон Республикаси элчихонасини очиш тўғрисида қарор, 1995 йил 9 февраль, № 39. <https://share.google/ET1IE96dLGimPmEYx> – (20.01.2026)
3. Эгамбердиев Ш.А. Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг дунё фани ривожига ўрни//“Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 19.
4. State information servise. Egypt and Uzbekistan (2025). <https://sis.gov.eg/en/international-relations/bilateral-relations/uzbekistan/?utm> (23.01.2026).
5. Савдо-иқтисод, туризм ва маърифат – Ташриф Ўзбекистон - Миср ҳамкорлигида нималарни ўзгартиради? (20.02.2023). <https://share.google/RUqvIpE0VcvSd3t1M> (23.02.2026).
6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги маълумотлари, “Ўзбекистон - Миср дипломатик муносабатлари тарихи”, расмий ахборот бюллетени.
7. Embassy of Egypt in Tashkent. Bilateral Relations Brief. Cairo, 2023.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги статистик маълумотлари (2023-2024).
9. Uzbekistan-Egypt Joint Action Plan in Higher Education (2023–2024).
10. Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan. Uzbekistan-Egypt Relations. - Tashkent, 2023.
11. Egypt Today. Uzbekistan seeks \$500M trade target with Egypt, signs key agreements. – 2024.
12. State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics. Foreign Trade Turnover Data: Egypt (2022–2024).

13. Egypt Independent. Egypt signs cooperation agreements with Uzbekistan to promote bilateral trade, 2024.
14. United Nations General Assembly. Resolution A/RES/72/283. Strengthening regional and international cooperation to ensure peace, stability and sustainable development in the Central Asian region, 2018.
15. African Development Bank Group. Regional Economic Cooperation Reports, 2022–2024.
16. Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan. Uzbekistan-Egypt bilateral consultations reports, 2022–2024.